



Халқ сўзи

Ўзбекистон
—
келажagi
буюк
давлат


1991 йил 1 январдан чиққа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2007 йил 19 январь, № 15 (4168)

Жума

«Оқсарой тўқимачи»нинг экспорт салоҳияти



Шахрисабз шаҳридаги «Оқсарой тўқимачи» Ўзбекистон-Туркия-Япония қўшма корхонаси ўзининг сифатли маҳсулотлари билан жаҳон бозорини zabт этмоқда. Хусусан, утган йили ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 98 фоизи Европа давлатларига экспорт қилинди.

— Асосий мақсадимиз сифат ва самарадорликка эришиш, — дейди қўшма корхонанинг Ўзбекистон томонидан директори Зайноддин Бакиев. — 2006 йилда қўшма 30 та иш ўрни яратилгани ҳам ютуқлар омили бўлди.

Таъкидлаш жоизки, қўшма корхона томонидан бултурнинг ўзида 4 минг тонна калава ип ва 980 тонна мато экспорт қилиниб, 2,5 миллион АҚШ доллари миқдорига соф даромад олинди. Корхонанинг устувор режасига кўра, жорий йилда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 5205 тоннага етказиш ва юз фоиз маҳсулотни экспорт қилиш кўзда тутилган.

СУРАТЛАРДА: тўқув цехида; моҳир йигирувчи-операторлар Фаёза Ашурова, Дилдора Азизова ҳамда Элмира Сатторова маҳсулот сифати хусусида суҳбатлашмоқда.

Ш.ШАРОПОВ (ЎЗА) олган суратлар.



Янги агротехнологиялар ривожланишга ёрдам беради

Тошкентда «Қишлоқ ҳўжалиги тадқиқотлари» Минг йиллик ривожланиш мақсадларига йўналтириш: халқаро ва минтақавий тажриба» мавзусида халқаро эконофорум ўтказилди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, «Экосан» экология ва саломатлик халқаро ташкилоти томонидан Қурғоқچил минтақаларда қишлоқ ҳўжалиги бўйича илмий-тадқиқотлар халқаро маркази (ИКАРДА) ҳамда Марказий Осиё ва Кавказнинг илмий-тадқиқот институтлари уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Эконофорумда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар, илмий муассасалар, олий ўқув юрлари, фермер ҳўжалиқлари уюшмаси, жамоат бирлашмалари вакиллари, шунингдек, Марказий Осиё ҳамда Кавказнинг мамлакатларида қишлоқ ҳўжалиги илмий марказлари раҳбарлари, Италия, Таиланд, Эрон ва қатор халқаро ташкилотлардан экспертлар қатнашди.

Қишлоқ ҳўжалиги — инсон ҳаёти ва фаолиятининг таъминлайдиган соҳа бўлиб, иқтисодиётнинг кўпгина тармоқларини ривожлантириш учун асос ҳисобланади. Шу боис қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришининг самарадорлигини ошириш ва Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш масалалари бир-бири билан

бевосита боғлиқдир. Бу эса, биринчи навбатда, аҳолининг таъминланганлик даражасини ошириш, экологик барқарорликни яратиш ҳамда бунинг учун глобал ҳамкорликни кенгайтиришни тақозо этади.

Мамлакатимизда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилган иқтисодий сиёсатнинг асосий мақсади ҳам барча жаҳонларни жадал ривожлантириш ҳисобидан аҳоли фаровонлигини оширишдан иборат. Шу мақсадда республикамиз агроноат мажмуида муҳим ислохотлар амалга оширилди. Фермерлик ҳаракатини ривожлантириш, қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришига илгир ҳўнологияларнинг кенг жорий этилиши каби кенг қўламли ишлар салмоқли натижалар бермоқда. Бугун Ўзбекистон жаҳон пахта бозорига етакчилардан бири сифатида тан

олинди. Харидоригр ўзбек пахта таласи сифатининг юқорилиги селекциячи олимлар, деҳқонлар, қайта ишлаш корхоналарининг биргаликдаги сай-ҳаракати натижасидир. Биз галла мустақиллигига эришганимиз, бу аҳолини ўзимизда етиштирилган дон маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаб қолмасдан, уни экспорт қилиш имконини бераётганидан фахрланамиз. Бундан ташқари, саховатли заминимизда етиштирилган мева-сабзавотларни қайта ишлашга ҳам қатта эътибор берилмоқда. Юртбошимизнинг ташаббуси билан утган йили қишлоқ ҳўжалиги учун минг технологиялар ва ихчам ускуналарнинг халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдоси ўтказилди. Унда республикамиз вилотларидан минггла фермерлар ўзлари етиштирган ҳосилни сифатли қайта ишлаш имконини берадиган энг илгир техникани сотиб олди. Чорвачилик ва қишлоқ ҳўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам сезиларли ютуқлар кўлга киритилди.

Бироқ жаҳон бозорига кун сайин ўсиб бораётган рақобат муҳити қишлоқ ҳўжалиги ишлаб-чиқаришида самарадорлик ва экологик хавфсизликни ҳамда маҳсулот сифатини оши-

ришни талаб этади. Бу борада эса юқори ҳосил берадиган, касалликлар ва иқлим ўзгаришларига чидамли янги экин навларини яратиш, уларни етиштириш ва қайта ишлаш бўйича атраф-муҳитга зарар етказмайдиган илгир технологияларни ишлаб чиқиш лозим. Мамлакатимизнинг академик, илмий-тадқиқот институтлари, олий ўқув юрларида ушбу йўналишда самарали тадқиқотлар олиб боришмоқда. Ҳозир агроноат мажмуида жорий этилган бу борадаги қўлаб ишланмалар фойда бермоқда. Шундай эса-да, Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш учун ушбу йўналишдаги фаолиятни янада кенгайтириш, бошқа давлатлардаги илмий тузилмалар билан янада яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш керак.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси Ф.Алиев, қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги ўринбосари, Қишлоқ ҳўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази директори А.Хоназаров, «Экосан» халқаро ташкилоти раиси Ю.Шодинетов, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Генетики ва ўсимликлар экс-

периментал биологияси институти директори А.Абдуғаримов, Қурғоқчил минтақаларда қишлоқ ҳўжалиги бўйича илмий-тадқиқотлар халқаро марказининг Марказий Осиё ва Кавказ орти мамлакатлари бўйича минтақавий ваколатхонаси раҳбари Раж Парода, Қишлоқ ҳўжалиги тадқиқотлари глобал форуми мувофиқлаштирувчиси Ажит Мару, БМТнинг Озиз-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги ташкилоти эксперти Мишель Демес, республикамизнинг бошқа илмий ҳамда таълим муассасалари раҳбарлари шу ҳамда гапирди.

Ўзбекистон олимларининг агротехника соҳасидаги ютуқлари яхши маълум ва уларнинг ақсаритидан бошқа давлатларда ҳам фойдаланилмоқда. Аммо хозирги шароитда замонавий қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришини сув муаммоларини ҳисобга олмадан таъминлаб бўлмайдиган. Бунинг кунда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уларни бошқариш бўйича энг янги технологияларнинг жорий этилиши масалалари Орол муаммоси туфайли нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиёнинг барча давлатлари учун долзарб ҳисобланади. Бу борада минтақамизда ва дунёда бой тажриба тулганган. Уни ўрганиш ва таъбиқ этиш атраф-муҳитни муҳофаза қилишни ҳисобга олган ҳолда, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган миллий дастур ва лойиҳаларни самарали амалга оширишга ёрдам беради.

Анна ИВАНОВА,
ЎЗА мухбири.

Қарши шаҳрида Қашқадарё ва Сурхондарё вилотлари ҳокимларининг ўринбосарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, шахар ва туман ҳокимларининг минтақавий семинари иш бошлади.

ҲОКИМЛАР ЎҚУВИ

Семинар-кенгашда Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллиги бағишланган тантали маросимдаги маърузасида баён этилган вазидаларни бажариш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилмоқда. Анжуманда мақжур маърузада миллий қадриятларимиз ва ҳаётиимизга тобора чуқур кириб бораётган демократик принциплар, тараққийтиимизнинг асосий шартлари, жамиятини янгилаш ва ислоҳ қилишининг устувор йўналишлари белгилаб берилгани, бу эса барча бўғин раҳбарлари зиммасига улкан масъулият қўлаши алоҳида таъкидланди. Дарҳақиқат, бугунги раҳбардан одамларнинг йўталлашлари билан яшаб, ён-атрофда юз бераётган ҳодисаларга доимо хўшёр ва сергаклик билан ёндашиш, эл-юрт тақдири ва келажаги учун масъулликни ҳис этиш, фидойилик ва қатъият талаб этилмоқда.

Тадбирда Юртбошимизнинг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарорини иқроси юзасидан жойларда амалга оширилаётган ишлар, қишлоқ ҳўжа-

(Давоми 2-бетда).

ТАДБИРКОР МАРКАЗ ОЧАДИ

Ишбилармон Ҳабиба Аҳмедова яқинда Навоий шаҳрида янги ўқув марказини очди. «Ҳабиба-Зиё» деб номланган ушбу марказда ишлар учун бичиш-тиқиш, зардузлик, уй ҳамшираси, массаж, компьютер савдоҳонлиги, бухгалтерия ҳисоби, сартарошлик, инглиз ва рус тиллари, қандолатчилик каби 20 га яқин йўналиш бўйича қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этилди.

— Ишларнинг касбга бўлган қизиқиши ортиб борапти, — дейди Ҳ.Аҳмедова. — Шу кунларда бу ерда 50 нафардан зиёд хотин-қиз касб маҳоратини оширяпти. Биз машгулотларни тингловчиларнинг бўш вақтига қараб белгилаймиз. Ҳозирга қадар 25 нафар йигит-қизга диплом ва сертификатлар топширилди.

Ўқув марказида йил давомида 200 нафардан ортиқ ишларни касбга йўналтириш режалаштирилган. Шунингдек, Ижтимоий ҳўмоя йилида кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини бепул ўқитиш ҳам йўлга қўйилади.

Ёркул УМАР,
ЎЗА мухбири.



ЭШИТДИНГИЗМИ

Халқаро олимлар гуруҳи давомий тадқиқотлар ўтказгандан сўнг катта баҳолашга сабаб бўлувчи гипотезани илгари суришди. Унга кўра, Ер — бир неча миллиард йил олдин Марс сайёрасидан ажралиб чиққан катта комета. Микроорганизм ҳам дастлаб қизил сайёрадан келган.



Ислохот қирралари

Мамлакатимизда қорақўлчилик қишлоқ ҳўжалигининг ётақи тармоқларидан бири ҳисобланади.

Яйловдаги хазина

Жойларда асосий воситалар оилавий пудратчиларга далолатнома асосида узоқ муддатга бириктириб қўйилгани, мулк ўз эгасига топширилгани тўғрисида.

Йили наслчилик заводлари қорақўлчилик ширкатларида 2,5-3,5 минг бош насли кўчор етказиб бераётгани, наслчилик ҳўжалиқларида йилига 50 минг бошга яқин наслдор қўйлар етиштирилиб сотилаётгани шундан далолат беради.



Сўнгги йилларда қорақўл қўйларининг «Зармалларанг», «Қорақалпоқ сур», «Кумушсимон тусли сур» каби турли завод типлари яратилди.

Бунда, табиийки, чорвадорларнинг Ўзбекистон қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти олимлари билан ҳамкорлиги ўз самарасини бераётди.

ган ўтли яйлов алоҳида аҳамиётга эга. Аммо яйловлар маҳсулдорлигини оширишда муҳим омил саналган фитомелиорация усулига кейинги йилларда негадир етарлики эътибор берилмапти.

лари уруғчилиги ташкил этилиб, уларда мавжуд яйловлар ҳолатини яхшилаш чоралари кўрилувчи.

Миллий бойлигимиз — қорақўл териларининг жаҳон бозорига ўз ўрни ва ҳаридорлар эгаллиги барчага аён.

зиб бериш сердаромад ҳисобланади. Шу мақсадда компания тизимида «Қалдирғоч Камар» шўъба корхонаси ҳамда «Зе Бест Бухоро қорақўл» хусусий корхонаси ташкил этилган.

Бундан ҳам кўпроқ натижаларга эришишимиз мумкин эди, — дейди «Ўзбек қорақўли» компанияси ишлаб чиқаришни мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Кежа Мадалимов.

ишлаб чиқариш ва уни «Ким-ошди» савдоси орқали сотиш мақсадида «Бухоро қорақўли» акциядорлик жамияти базасида улгуржи чакана савдо ярмаркасини ташкил қилган.

Бундан ташқари, қорақўл терилари қандай тейиб берилиши, «Осиё мўйнаси» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси ҳамда Бухоро шаҳридаги «Узоқ» фирмаси ҳам компания таркибига киритилган.

Баҳодир ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

ҲОКИМЛАР Ўқуви

(Давоми. Боши 1-бетда).

лигини ислох этиш, ер ва сув ресурслардан оқилона фойдаланиш, чорвачиликни, мева, сабзавотчилик ва узумчиликни ривожлантириш, қишлоққа саноатни олиб кириш масалалари бўйича ҳам фикр алмашилди.

Семинарда Ихтимойий ҳамом йилида аҳолининг кам таъминланган қатламларини ҳар томонлама ҳимоялаш, хотин-қизларнинг жамиятдаги маъқелини ошириш, фуқаролар йиғинларида барқарор маънавий-ахлоқий муҳитни таъминлаш, шунингдек, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия соҳаларини янада ривожлантириш, ҳаётимизда ўнраб турадиган айрим муаммоларни бартараф этиш юзасидан мазкур тағдиллар яратилди.

Семинар-кўнғаш ишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.Хонов, Қашқадарь вилояти ҳокими Н.Зайниев иштирок этди.

А.МУҲАММАДИЕВ, ЎзА муҳбири.

Ёш тарихчилар гурунги

Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институтининг ёш олимлари бўлажак тарихчиларнинг илмий салоҳиятини ошириш мақсадида Ёш тарихчилар республика илмий-амалий анжуманини ташкил этиш таслими билдириди.

Анжуманда илгари сурилган фикрлар, маъруза ва баҳс-мунозаралар юртимиз тарихига тааллуқли турли соҳта илмий қарашларнинг олдини олиш, олиб борилаётган тадқиқотларнинг илмий-услубий асосини такомиллаштириш каби муҳим масалаларга қаратилди.

Муборак ОХУНОВА, «Халқ сўзи» муҳбири.

Ёши улуғлар яхши билишади: бундан 15-20 йилча муқаддам Тошкент азмидда нари бурса 30-40 та дорихона фаолият кўрсатди.

ШИҲО ИСТАБ, ЗАҲАР ИЧМАНГ

Маълумотларга қараганда, ҳозир мамлакатимизда салкам 5000 та дорихона мавжуд. Мухими, истаган дорихонани топши муаммо эмас. Ҳатто Тошкент Тиббиёт академияси II клиника Тиббиёт дорихоналар шайхаси»га айлиниб кетган.

Тўғри, бозор иқтисодий шартларида уларнинг сони қанча кўп бўлса, шунча яхши. Чунки рақобат нарх-навоининг муътадиллашувига хизмат қилади.

Биласиз, дорихона билан сабзавот дўконини ўртасида катта фарқ бор. Хусусан, дорихона белгиланган талабларга мос келиши, яъни майдони 34 кв.метрдан кам бўлмаслиги, махсус хоналарга эга бўлиши, сотувчи эса малакали мутахассис бўлиши лозим.

Савол туғилади: **Айтмасам бўлмас...**

Айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ва ҳуқуқни ҳимоя қилувчи идоралар ҳамкорлигида ички бозорни қалбаки, сифатсиз, давлат рўйхатидан ўтмаган дорихоналарни ва тиббий бўйимлардан ҳимоялаш, улар сотишнинг олдини олиш чора-тадбирлари режаси ишлаб чиқилди.

Яроқсиз дорини ичиб, унинг асоратидан азоб чеканлар хусусида кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Бас, шундай экан, аввало, дорихона билан савдо қилувчи тадбиркорлар мавжуд талабларга қатъий амал қилган ҳолда савдо қилишлари, қолаверса, истеъмолчилар ҳам ўз ҳақ-хуқуқларидан оқилана фойдаланишлари мақсадга мувофиқдир.

Сенд ОЛИМОВ.

Оролбўйида турли миллат ва элатларга мансуб бир ярим миллионга яқин аҳоли тинч-тотув ва ҳамжиҳатликда ҳаёт кечириб, мамлакатимиз тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётир.

Минтақада улар орасидаги азалий дўстлик ва биродарлики мустақамлаш, миллий аъналар, қадриятлар ва урф-одатлари сақлаш ҳамда ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Бу борадаги хайрли ишлар кўламини кенгайтиришда Қорақалпоғистон Республикасида фаолият кўрсатиб келаётган қозоқ, рус, украин, корей ва бошқа миллий маданий марказлар алоҳида ўрин тутди.

Бозор сабоқлари

Менежментда бошқарувнинг икки йўналиши мавжуд: вертикал ва горизонтал. Горизонтал йўналиш тўғрисида тўғри вазибаларни бажаришга асосланган бўлса, вертикал йўналиш вазибалари поғонавий бошқарувга асосланган.

ЎЗБЕКИСТОН — УМУМИЙ УЙИМИЗ

Дўстлик ришталари мустақам

Қорақалпоғистонда туркман миллатига мансуб аҳоли кўпчилигини ташкил этади. Бу ердаги туркман миллий маданий маркази томонидан олиб борилаётган маънавий-маърифий тадбирлар ҳам миллий қадриятларни тиклаш ва кенг тарғиб этиш, қардош халқлар ўртасидаги азал-азалий дўстлики мустақамлашга қаратилмоқда.

Калтаминор қишлоғида «Кудратимиз — дўстлик ва ҳамжиҳатликда» деб номланган фестиваль ўтказди. Анжуманда қардош халқлар миллий маданий марказлари вакиллари ўзларининг фольклор-этнографик дасталари билан иштирок этди.

Марказ томонидан маҳаллаларда турли кўнғилочар тадбирлар, бадиий кечалар, қизиқарли учрашувлар ташкил этилаётган.

ни ҳам ўз самарасини бермоқда. Шунингдек, марказ томонидан туркман тилида «Мекан» газетаси чоп этилган.

Аминбой ОРТИҚБОЕВ, ЎзА муҳбири.

Маъмурий ислохот самарадорликка хизмат қилсин

Президентимиз таъкидлаганидек, маъмурий ислохот нафақат бошқарув органларида ходимларни сон жиҳатидан қисқартиришга, балки улардаги тузилмаларни оптималлаштиришга қаратилиши лозим. Шу боис ташкилотлар ва муассасаларда бошқарув ходимлари сонини қисқартириш вазибаларни икчамлаштириш, стандартлаш асосида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Бундай чоратадбирлар, авваломбор, иш сифатининг пасайишига олиб келмаслиги керак.

Менежмент фанида бу масалага ҳам катта эътибор берилди. Чунки ташкилот ва муассасаларда ишни ўз вақтида, сифатли юргизиш ходимларга боғлиқ. Амалиётда эса бошқаришдаги иш хажмидан келиб чиқиб, ходимлар сони белгиланади. Бунда ҳар бир раҳбарга тўғри келадиган ходимлар сони ажратилади. Ушбу қоидда менежментда «бошқарув нормаси» деб аталади. Бундай норма АҚШ ва Фарбий Европа мамлакатларида 7-8 киши, Япония ва Осиё-

нинг бошқа давлатларида 10-12 кишидан иборат. Ўзбекистонда амалга оширилаётган маъмурий ислохотларнинг устувор йўналишлари эса давлатнинг ҳўжалик субъектлари ишига аралашувини кескин қисқартириш, тубдан бошқариш тизими ва тузилшини ўзгартириш, ортиқча бошқарув бўлимларини бартараф этиш, маъмурий-бўйруқбозлик, яъни марказлаштирилган тизимни тугатилиш моддий ресурслар, биржа, аукцион, ярмарка

микёсида институционал ўзгаришларни, яъни ташкилот ва давлат бошқариш тузилмаларини замон талабларига мослаштириш талаб этилади. Бунинг асл маъноси шуки, қайси бошқарув даражасидан қатъий назар, бажариладиган вазибаларни чўқур таҳлил қилиш, бир-бирини қайтардиган фаолиятни қисқартириш, ваколатларни қуйи бошқарув органига ўтказишдир.

вазибаларни аниқ белгилаш, уларни ижroiа ташкилотларига тўғри тақсимлаш зарур. Сабоби, бошқарув бошқичлари, ваколатлар, ҳатто муассасалар раҳбарлари лавозимларида ҳам ҳар хиллик мавжуд. Ушбу камчиликларни бартараф қилиш учун, бизнингча, республика Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазилиги қошида алоҳида давлат ва ҳўжалик вазибаларини ўрганиш юзасидан гуруҳ фаолият юритса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар ўз самарасини бермоқда. Маъмурий ислохотларни чўқурлаштириш ҳам даврнинг ўзи талаб этимоқда. Шундай экан, бошқарув ходимларининг меҳнатга бўлган масъулиятини ошириш билан бирга, ортиқча харажатларни камайтириш, уларнинг фаолиятини доимий равишда такомиллаштириб бориш бугунги кун талабидир.

Шавкат ЗАЙНУТДИНОВ, Тошкент давлат иқтисодий университетининг «Менежмент» кафедраси профессори, иқтисод фанлари доктори.

ЖАҲОН

24 соат ичида

Россиянинг «Прогресс» юк космик кемаси «Бойкўнгир» аэродромидан муваффақиятли учирилди.



Кемасини учуриш режалаштирилган.

АҚШ Конгрессининг кўзга кўринган уч нафар сенатори Ироққа яна қўшимча 20 минг нафар ҳарбийнинг жўнатилишига қарши резолюция қабул қилинганини эълон қилди.



Уларнинг фикрича, Бушнинг Ироққа нисбатан олиб бораётган сиёсати мамлакат

Исроилдаги мухолифатчилар мамлакат бош вазири Эхуд Ольмерт ва мудофаа вазири Амир Перецнинг истеъфога чиқишини талаб қилишмоқда.



Йил ёзда Ливаннинг «Хизбаллох» гуруҳи қарши урушдаги муваффақиятсизлик учун масъулиятни ўз зиммасига олиб, лавозимидан кетганди.

Озарбойжонда ўнга яқин киши давлат тўнтаришига тайёргарлик кўраётганлигида гумон қилиниб, ҳибсга олинди.



Метеорология хизматларидан олинган маълумотларга кўра, Европанинг шимоли-ғарбий қисмига кучли довул яқинлашиб келмоқда.

АҚШ ва Европанинг катта ҳудудларида кучли довул ҳужуми сурмоқда. Сунгги маълумотларга қараганда, АҚШда қишнинг ҳаддан ташқари совуқ ва ноқулай келиши тўғрисида 55 киши ҳалок бўлди.



Йоханнесбургдаги музейда Садам Хусайнга тегишли медаллар коллекцияси намойиш қилинмоқда.

Йоханнесбургдаги музейда Садам Хусайнга тегишли медаллар коллекцияси намойиш қилинмоқда.



Испаниялик жарроҳ Хосе Луис Гарсиа Сабрида Фидель Кастронинг аҳоли оғир деган маълумотини рад этди.

Испаниялик жарроҳ Хосе Луис Гарсиа Сабрида Фидель Кастронинг аҳоли оғир деган маълумотини рад этди.

Молия муассасаларида



Аҳоли ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг банк тизимига бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш борасида акциядорлик тижорат «Алоқабанк»и томонидан бир қатор сессияли ишлар амалга оширилмоқда.

«Алоқабанк» хизмати:

АНИҚ, ТЕЗ ВА ИШОНЧЛИ

Бугунги кунда АТ «Алоқабанк» тизимида аҳоли зич жойлашган мавзёларда коммунал тўловларини қабул қилиш ҳамда аҳоли ва тadbиркорларнинг бўш пул маблағларини банк омонатларига жалб этиш мақсадида банкнинг 28 та жамғарма кассаси фаолият кўрсатмоқда.

лағларини омонатларга жалб қилиш, айниқса, муҳим ўрин тутди. Ҳозирги кунда «Алоқабанк» тизимида 18 турдаги жозибадор омонат мавжуд бўлиб, шундан 15 таси мўддатли омонатлардир.

заллиги ва даромадлиги шундаки, омонат бўйича йиллик 18 фоиз миқдорда даромад белгиланган.

ушун қўшимча маблағ бўлиб хизмат қилади. Бунда банк муассасаси омонатчи томонидан берилган топшириқ асосида ҳар ойда миқдорнинг иштирокисиз тўловларини тегишли ташкилотлар ҳисоб рақамларига ўтказиб бериши мумкин.

ги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан тўлиқ кафолатланади.

Банк томонидан кўрсатилаётган банк хизматлари ичида аҳолининг пул маблағларини омонатларга жалб қилиш, айниқса, муҳим ўрин тутди.

Юқори фоизли омонат турларидан бири — «Очил дастурхон» янги жамғарма омонати бўлиб, унга маблағ 3 ой мўддатга қабул қилинади.

Фўқароларнинг кундалик ҳаётида муҳим ўрин тутувчи коммунал хизматлар учун тўловларини амалга ошириш мақсадида эса, банкда «Махсус» деб номланган мўддатсиз омонат тури жорий қилинган.

«Бактли болалик» омонатининг депозит мўддати 3 йилдан 17 йилгача бўлиб, у 1 йилдан 15 йилгача бўлган болаларга ота-оналари, яқинлари ёки ҳомийлари томонидан очилади.

Банк томонидан корхона ва ташкилотларнинг ишчи-хизматчиларига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни пластик картонкалар орқали тўлаш усули ҳам тора-бора шаклланиб бормоқда.

Advertisement for 'BEUKEVELD EXPORTS BV' featuring various agricultural machinery like tractors and harvesters from brands like Ford, Fiat, John Deere, Case IH, Massey Ferguson, and New Holland.

Advertisement for 'MEХНАТ ЯРМАРКАСИ Бўлиб ўтди' (Labor Market Fair) held in Namangan region, listing various agricultural products and services.

Advertisement for 'АБИТУРИЕНТ - 2007' (Abiturient 2007) entrance exams for the Faculty of Physics and Mathematics at the State Technical University of Tashkent.

Large advertisement for 'РЕСПУБЛИКА КўЧМАС МУЛК БИРЖАСИ' (Republic Real Estate Exchange) featuring auction information and contact details.

Advertisement for 'Крокус Газ Сервис' (Crocus Gas Service) featuring gas equipment and services.

